DataPrizma
audit ▫ development ▫ integration ▫ training

Тошкент ш., 100011, Навоий кўчаси, 2А
тел: +998 78 122 99 07, +998 55 510 99 07
www.dataprizma.uz info@dataprizma.uz

## Компания хақида

Dataprizma компанияси 2008 йилда фаолият бошлаган. Асосий йўналиши ташкилотлар учун ахборот технологиялари сохасида консалтинг хизмати, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник қўллаб қувватлашдан иборат.

Компаниянинг мақсади, ташкилотларда рақамли трансформация ёрдамида тизимли иш юритишни йўлга қўйиш, инсон омили таъсирида юзага келадиган хатоликларни камайтириш, реинжиниринг натижасида иш юритиш жараёнларини оптималлаштириш, хизмат кўрсатиш ва махсулот сифатини яхшиланиши, ишлаб чиқаришда тўхталишларни олдини олиш, маблағларни иқтисод қилиш, қарор қабул қилиш учун қулайлик яратиш, шунингдек, ходимларнинг ўз хизмат вазифасига бўлган масъулиятини оширилишига кўмаклашишдан иборат.

Ишлаб чиқариш корхоналари ахборот тизимларида Industry 4.0 стандарти асосида турли сенсорлар, датчиклар ва машиналардан HMI қурилмалари, PLM ва MES тизимлари орқали реал вақт режимида маълумот алмашишни таъминлайди, зарурий ўринларда ностандарт электрон қурилмаларни лойихалаштиради, ишлаб чиқади ва жорий қилади.

Дастурий махсулот ишлаб чиқиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга аналитиклар ва дастурчилардан иборат иноқ жамоаси билан фахрланади. Ўз ишларида энг замонавий, илғор архитектура услублари қўллайди. Датамарказлар қуриш, серверлар, тармоқ ва ахборот хавфсизлиги қурилмалари ўрнатиш, хамда уларга техник хизмат кўрсатишда уларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

## Компания мижозлари ва хамкорлари

### Давлат идоралари

- Адлия вазирлиги
- Молия вазирлиги
- Солиқ қўмитаси
- Ички ишлар вазирлиги
- Фавқулотда вазиятлар вазирлиги
- Антимонопол қўмитаси
- Республика товар хом ашё биржаси

### Халқаро ташкилотлар

- БМТ хамкорлик ташклоти (UNDP)
- Европа тараққиёт банки (EDB)
- Мосторг (Россия)
- Ionidea (АҚШ)
- IURCRIS S.R.L. (Молдова)
- Danoffice IT ApS (Дания)
- ...

### Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари, банклар, қурилиш, текстил ва агро сектор

- Uzbekistan GTL
- Garantbank
- UZ-SAEMYUNG CO
- AVTOOYNA MChJ
- Duty Free Uzbekistan
- SAMO TEKSTIL
- Fazo-R
- Turon Tex
- Oltin Mato
- X-Agro Group
- Ecohouse
- ...

## Асосий лойихалар

- VIRTUAL OFFICE – Ташкилот иш юритиш тизимини рақамли трансформацияси бўйича мухим қадам бўлиб, ўзаро интеграциялашган бир нечта дастурий ечимларни ўз ичига олувчи ахборот тизими;
- D-HRM – Рақамли кадрлар бошқаруви инновацион тизими;
- E-Doc – Ташкилотнинг ички ва ташқи ҳужжатларини ходимлар ўртасида электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаган ҳолда алмашинувини таъминлайди;
- WMS – Омборларни бошқариш тизими;
- DWPOS – Марказлаштирилган ҳолда савдо нуқталари ва омборларни бошқариш тизими;
- NetDoc – Ташкилотлар ўртасида шартнома, электрон хисоб-фактура, далолатнома ва ишочномаларни электрон рақамли имзо орқали алмашиш тизими;
- CMS – Шартномаларни бошқариш тизими;
- SMS to'lov(UPay), Septimum service – Электрон тўлов ва биллинг тизимлари;
- OEE & CMMS (EAM) – Ишлаб чиқариш бўлимларида ускуналарнинг умумий самарадорлигини кузатиш ва бутлаш ишларини бошқариш автоматлаштирилган тизими;
- MES & PLM – Ишлаб чиқариш миниторинги ва махсулот ҳаёт циклини бошқариш;
- SUGURTA – Суғурта компания ишини автоматлаштириш ва онлайн суғурта;
- A-SALE – Қурилиш объектларини сотиш тизимини бошқариш;
- BringeT – Туризм агентлари ишини автоматлаштириш ва манеджер ишини тартиблаш;
- Digital Lean Textil (ERP) – Текстил махсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар учун махсус ечим. Тизим кадрлар бўлими, давомат, иш хақи, буюртма олиш, таъминот бўлими, ип йигирув фабрикаси, мато тўқув фабрикаси, бўёқхона иши, тикувга тайёрлаш, тикув фабрикаси, махсус ва умумий омборларни юритиш, сифат назорати бўлимлари, улгуржи ва чакана савдо дўконларини юритиш, намойиш панеллари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мониторинги ва хисоботлар модулларидан иборат. Завод ва фабрикалар ўзига хослигини эътиборга олган холда мослаштириш имконияти мавжуд. Барча модуллар ягона информацион тизимга интеграция қилинган;
- Алтернатив энергия ишлаб чиқаришда қўлланадиган аккумулятор батареялари қувватини реал вақт режимида дастурий аппарат қурилмалари ёрдамида ўлчаш ва дистанцион мониторинг қилиш лойихаси;
- Ишлаб чиқариш машиналари холатини мониторинг қилиш, электрон хисоблагич ва тарозилар кўрсаткичларини ўқиш, иссиқлик, ранг, ёруғлик, намлик, харорат, дистанция ва бошқа сенсорлардан маълумотларни олиш, релеларни GPRS модуллар ёрдамида масофадан бошқариш ва умумий ахборот тизимига интеграция қилиш лойихаси.




# VIRTUAL OFFICE
## ИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ҲАРАКАТИ

## VIRTUAL OFFICE

Бу компания кундалик ишларини тартибли ва режали олиб боришга кўмаклашувчи тизим бўлиб, ходимлар билан бўладиган муносабатлар асосан электрон кўринишда амалга оширилади.

### Ишончли, тезкор алмашинув

Исталган жойдан туриб муҳим аҳамиятга эга бўлган электрон ҳужжатларингизни тез ва осон алмашинг. Барча амалларни **электрон рақамли имзо** орқали тасдиқланг.

### Ҳисоботларни шакллантириш

Ҳар бир кирувчи ва чиқувчи ҳужжат турлари бўйича ва ҳужжатнинг ички маълумотлари асосида батафсил ҳисоботлар. Алоҳида ҳисоботлар конструктори

### Интеграция

**35 тадан ортиқ давлат идоралари** ахборот тизимлари билан маълумот алмашинуви. Бошқа дастурларга API орқали интеграция қилиш имконияти.

### 24/7 қўллаб қувватлаш

Тизимдан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича қўллаб қувватлаш маркази ва телеграм мессенжери орқали исталган саволларигизга жавоб оласиз.

### Тизим қуйидаги имкониятларни таклиф қилади

- HRM (Human resource management)- Кадрлар бошқаруви қуйи тизими, Тест модули, Ойлик маошлар ҳисоб-китоби;
- E-Doc - Ички ва ташқи ҳужжатлар алмашинуви;
- CMS (Contract management systems) - шартномалар бошқаруви тизими;
- Asset management - активлар бошқаруви;
- Лойиҳалар билан ишлаш;
- Топшириқлар ва ички мурожаатлар билан ишлаш;
- Мажлислар бошқаруви;
- E-turniket - Кириш ва чиқиш назорати, электрон рухсатнома;
- Электрон почта - ички ва ташқи;
- Корпоратив Чат;
- FTP- файллар алмашинуви;
- Раҳбарият ва ходимлар учун махсус - Dashboard;
- Фойдаланувчилар рухсатлари билан ишлаш;

DataPrizma
audit ▫ development ▫ integration ▫ training

# VIRTUAL OFFICE
## ИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ҲАРАКАТИ

## Тизим модуллари ва имкониятлари бўйича маълумотлар

**Human Resources Management (HRM) -** Рақамли кадрлар бошқаруви тизими кадрлар муносабатларига оид маълумотларни яратиш, ягона базага йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш каби ишларни комплекс равишда амалга оширишга ёрдам беради.

Кадрлар бошқарувига тегишли барча буйруқ, шартнома, аризалар, вакант лавозимларни эълон қилиш, танлов ўтказиш ва номзодлар билан суҳбатгача бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш тўлиқлигича электрон кўринишда амалга оширилади.

Ходимлар ҳақидаги антропометрик кўрсаткичлар, гувоҳнома, рағбатлантиришлар, қўлланилган интизомий жазо чоралари, тиббиёт варақаси, меҳнат дафтарчаси, ойлик устама ҳақлари, хизмат текширувлар, кадрлар бўйича заҳира, телефон рақамлар ва шу каби бошқа маълумотларни электрон журналда юритиш имконияти яратилган.

**E-Doc -** ташкилотнинг ички ва ташқи ҳужжатларини ходимлар ўртасида электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаган ҳолда алмашинувини таъминлайди. Ходимлар кундалик фойдаланадиган ҳужжатлари, шунингдек ариза ва билдирги кабилар белгиланган намунада, эркин шаклдаги ҳужжат асосида амалга оширилади. Хар бир ҳужжат устида бажарилган амаллар тарихи сақланади. Электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқланган ҳужжат ҳақиқийлигини тегишли QR код ёрдамида текшириш мумкин. Ҳар бир ҳужжат тури учун HRM модули маълумотлари асосида аввалдан аниқ маршрут тайинлаш имконияти мавжуд. Ҳужжат билан ишловчилар гуруҳи, бўлими хамда лавозимини бириктириш, унинг ижроси бўйича топшириқлар автоматик тарзда белгиланган ходимларга етиб боришини таъминлаш мумкин.

**Лойиҳалар билан ишлаш модули -** муайян мақсаддан келиб чиққан ҳолда, бир турдаги топшириқ ва вазифалар устида жамоавий тарзда ишлаш ёки турли хилдаги маълумотлар жамланмаси асосида якуний хисоботларни тайёрлашда фойдаланиш учун мўлжалланган. Иш жараёнида вазифа ва топшириқларни аниқ белгилаш, ижро мақсади ва кутилаётган маълумотлар асосида ишни ташкиллаштириш мумкин. Ушбу амалларни бажаришда ижро муддатлари, мажбурий ҳужжатлар, файллар бириктириш кабиларни белгилаш, ҳужжатларни электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш каби имкониятлар мавжуд.

**Мажлислар бошқаруви модули -** йиғилишлар, мажлислар, тақдимотлар каби тадбирларни олдиндан режалаштирилган вақтда, белгиланган хоналарда тегишли ходимлар иштирокида амалга оширишда ушбу модул имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Қатнашчиларнинг ташрифи Face-ID ёки қўлда маълумот киритиш орқали тасдиқланади. Шахсий саҳифада навбатдаги йиғилишлар тўғрисидаги маълумот, ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида эслатма кўриниб туради.

**Электрон почта модули -** бу ҳозирги замон корпоратив муносабатларнинг асосий инструменти ҳисобланиб, ички ва ташқи хатлар алмашинувида ишончли ва тезкор ёрдамчи ҳисобланади. Электрон почта орқали ходимлараро ва ташкилотлараро бутун дунё бўйлаб хатларни ва унга тегишли иловаларни алмашишингиз мумкин.

**Корпоратив чат -** ташкилот ходимлари ўртасида тезкор хабар ва файллар алмашинувини таъминловчи дастур ҳисобланиб, маълумотлар ички тизим орқали, ҳимояланган тарзда узатилади.

**FTP (**File Transfer Protocol ) – бу ташкилот ходимлари ўртасида иш фаолияти давомида умумий ва хусусий фойдаланадиган файлларни ҳимояланган тарзда ички тизим орқали сақлаш, улашиш учун мўлжалланган модул.

**Раҳбарият ва ходимлар учун Dashboard -** Фойдаланувчининг бош сахифаси ҳисобланиб, иш жараёнига тегишли энг мухим маълумотлар жамланмаси, асосий иш индикаторлари (KPI), ёрлиқларни бир қарашда яхлит кўринишини таъминлайди. Маълумотларни бир қисми визуал график шаклида ифодаланади. Ушбу дашбоарддан фойдаланиш орқали керакли маълумотларни олишда вақтни тежаш ва қарор қабул қилишни яхшилаш мумкин.

**Фойдаланувчилар рухсатлари билан ишлаш -** Корхона ва ташкилотларда фойдаланувчилар иш фаолияти давомида турли хил вазифалар ва топшириқлар билан ишлайдилар. Тизимда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун тегишли рухсатлар ягона нуқтадан белгиланади. Тизимга кириш қулайлик ва хавфсизлик эътибори билан SSO (*Single Sign On*) технологияси асосида ташкиллаштирилган.

**E-turniket -** Ходимларнинг ички меҳнат интизомларига риоя қилиши, ишга келиши ва кетиши, юзни таниб олиш (Face-ID), бармоқ изи, рухсатнома, QR-code технологиялари орқали тўлиқ назоратингизда бўлади. Кадрлар бошқаруви тизими билан боғланган ҳолда табелни шакллантириш имконияти.

**Contract management system** - Шартномалар бошқариш модули ташкилотда иш юритишнинг ўзига хослиги ва ички талаблари асосида амалга оширилади.

**Asset management** - Активлар бошқаруви модули ташкилотда иш юритишнинг ўзига хослиги ва ички талаблари асосида амалга оширилади.

*Тизимни жорий этиш натижасида инсон омили сабабли юзага келадиган хатоликлар минимал даражага тушади, қоғоз учун харажатлар тежалади, ҳужжатларни расмийлаштириш, маълумотларни тайёрлаш ва бошқа ишларга кетадиган вақт кескин оптималлашади.*

DataPrizma
audit • development • integration • training



# NetDoc

Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар алмашинуви тизими.

**NetDoc.uz тизими электрон ҳужжатлар айланмаси бўйича фаолият юритиш учун мувофиқлик сертификати ва лицензиясига эга.**

## NetDoc.uz қуйидаги имкониятларни тақдим этади

### Ишончли, тезкор алмашинув

Исталган жойдан туриб юридик аҳамиятга эга бўлган электрон ҳужжатларингизни тез ва осон алмашинг.

### Ҳисоботларни шакллантириш

Ҳар бир кирувчи ва чиқувчи ҳужжат турлари бўйича ва ҳужжатнинг ички маълумотлари асосида батафсил ҳисоботлар.

### Интеграция

**1С** дастури билан плагин орқали интеграция қилинган. ЭҲФлар ва шунга ўхшаш бошқа турдаги ҳужжатларни контрагентларга юбориш мумкин. Бошқа тизимлар ёки дастурларга API орқали интеграция қилиш талаблар асосида бажарилади.

### 24/7 қўллаб қувватлаш

Тизимдан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича қўллаб қувватлаш маркази ва телеграм мессенжери орқали исталган саволларигизга жавоб оласиз.

## Турли хилдаги ҳужжатларни юбориш ва қабул қилиш:

- Электрон ҳисобварақ-фактуралар;
  Бажарилган ишлар далолатномаси;
  Ишончнома;
  Шартнома;
  Солиштирма далолатнома;
  Товар-транспорт юкхати.
- Ҳужжатлларни жўнатиш ва қабул қилиш фақатгина **электрон рақамли** имзодан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади;
- Жўнатилган ва қабул қилинган ҳужжатлар устида **бажарилган амаллар тарихи** қайд этилиб борилади;
  Бир вақнинг ўзида бир нечта ҳужжатларни имзолаб жўнатиш мумкин;

### NetDoc.uz

2020-йилдан бери Ўзбекистон Республикасидаги расмий электрон ҳисобварақ-фактуралар оператори ҳисобланиб, қарийиб 4 йил давомида корхона, ташкилотлар ва жисмоний шахслар ўртасида юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар алмашинувини таъминлаб келмоқда.

## БИЗ БИЛАН БОҒЛАНИНГ

“Dataprizma” МЧЖ
78) 122 99 07   55) 510 99 07
Тижорий директор: 99) 853 77 00 Тахиров Мирзокир
info@dataprizma.uz / dataprizma.uz

100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2А.

DataPrizma
audit ▫ development ▫ integration ▫ training

## Рақамли трансформация ёрдамида янги сифат босқичига ўтинг ва жадал ривожланишда давом этинг

# DLT
Digital Lean Textile



Текстил махсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар учун синовдан ўтган махсус ечим.

Тизим - кадрлар бўлими, давомат, иш хақи, буюртма олиш, таъминот бўлими, ип йигирув фабрикаси, мато тўқув фабрикаси, бўёқхона иши, тикувга тайёрлаш, тикув фабрикаси, махсус ва умумий омборларни юритиш, сифат назорати бўлимлари, улгуржи ва чакана савдо дўконларини юритиш, намойиш панеллари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мониторинги ва хисоботлар модулларидан иборат. Завод ва фабрикалар ўзига хослигини эътиборга олган холда мослаштириш имконияти мавжуд.

Барча модуллар ягона информацион тизимга интеграция қилинган.

- Буюртмалар
- Ип йигирув
- Тўқув
- Бўёқхона
- Тикув
- Дўконларни бошқариш
- Мониторинг ва хисоботлар

samo®

«SAMO» бренди остида фаолият юритувчи текстил компаниялари гурухи хамкорлигида ишлаб чиқилган
www.samo.uz +998 99 061-57-58

"Dataprizma" МЧЖ
78) 122 99 07 55) 510 99 07
info@dataprizma.uz / dataprizma.uz

100011, Тошкент шахри,
Шайхонтохур тумани,
Навоий кўчаси, 2А.

Тижорий директор:
Тахиров Мирзокир
99) 853 77 00
mtaxirov@dataprizma.uz